



«Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари»

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИ



NEW INITIATIVES OF UZBEKISTAN IN THE FIELD OF HUMAN RIGHTS



НОВЫЕ ИНИЦИАТИВЫ УЗБЕКИСТАНА В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА



«Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» кутубхонаси

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ
ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИ**



**NEW INITIATIVES
OF UZBEKISTAN IN THE FIELD
OF HUMAN RIGHTS**



**НОВЫЕ ИНИЦИАТИВЫ
УЗБЕКИСТАНА В ОБЛАСТИ
ПРАВ ЧЕЛОВЕКА**

Тошкент – 2021

Саидов А.Х. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янги ташаббуслари. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2021. — 34 бет. («Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» туркум рисоалар)

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 30 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 25 йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари” номли туркум рисоалар чоп этилмоқда.

Мазкур “Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янги ташаббуслари” рисоласида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан инсон ҳуқуқлари ҳимоясини мустаҳкамлаш доирасида Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида илгари сурилган ташаббуслар ҳақида маълумотлар берилган.

Рисола давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари, талабалар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

«Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» кутубхонаси

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ
ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИ**

Тошкент – 2021

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЙЎЛИДА ҲАРАКАТГА ДАЪВАТ”:
Ўзбекистон БМТнинг ушбу ташаббуси доирасида халқаро
ҳамкорликни изчил давом эттиради

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни Женева шахрида ўз ишини бошлаган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг Юқори даражадаги сегментида сўзлаган нутқида биз сўнгги йиллар давомида Кенгашга аъзо бўлиш учун бутун масъулиятни англаган ҳолда интилиб келганимизни алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “Демократик ислохотларимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди”.

Ўзбекистон илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси сифатида 2021 йил 1 январдан ўз вазифаларини бажаришга киришди. Анъанага кўра, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг баҳорги сессияси доирасида 22–24 февраль кунлари Женева шахрида бўлиб ўтаётган Юқори даражадаги сегмент ишида Президентимиз Кенгашга аъзо давлат раҳбари сифатида биринчи марта иштирок этди ва сўзга чиқди.

Сегмент мажлисидан кўзланган мақсад – дунё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши механизмлари ва тартиб-таомилларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини юқори сиёсий даражада муҳокама қилишдан иборат.

Юқори даражадаги сегмент Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг йил давомидаги энг асосий сиёсий тадбири ҳисобланади. Мазкур Сегмент БМТга аъзо мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш масалалари бўйича умумий ва ўзаро мутаносиб ёндашувларини ишлаб чиқиш ҳамда келишиб олиш механизми сифатида тузилган.

Коронавирус пандемияси муносабати билан Кенгашнинг навбатдаги йиғилиши видеоанжуман шаклида ўтказилди. Йиғилиш кун тартибидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва уларни ҳимоя қилиш, шу жумладан фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалалар ўрин олди.

Тадбирда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Мишель Бачелет, қарийб 150 мамлакатдан давлат, ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар намоёндалари, бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти ўз чиқишида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари ҳақида атрофлича тўхталди.

Биринчи устувор йўналиш: “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойилига амал қилиш

Кейинги йилларда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бир қанча муҳим натижаларга эришди. Хусусан, 2020 йил 13 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига 2021–2023 йилларга сайланди.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **“инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўринда туради”**. Шу маънода, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда **“Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик”** тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Юртимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самараси яққол мисол бўла олади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан **2020 йил 22 июнда** қабул қилинган Миллий стратегия мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўшлиқларни, камчиликларни бартараф этиш очиқ-ойдин кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгаши 2020 йил 25 сентябрда қа-

бул қилган қўшма қарори билан **Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси тузилди** ҳамда унинг таркиби ва Регламенти тасдиқланди. Парламент комиссиясининг асосий мақсади – инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизнинг халқаро мажбуриятларига риоя этилишига ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга оширишга қўмаклашишдан иборат.

Соҳадаги яна бир муҳим натижа: Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги Фармонида кўра, **“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўрак нишони таъсис этилди.**

Ушбу кўрак нишони билан илк бор инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги хизмати, инсон ҳуқуқларини тарғиб қилишдаги фаоллиги, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим, ёшлар ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш анъаналарини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларни ривожлантириш ва бошқаришдаги салмоқли ютуқлари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги самарали илмий фаолияти учун бир гуруҳ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда икки нафар чет эл фуқароси тақдирланди.

Эътибор беринг: ҳар 5 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинган кун – 10 декабрда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мукофотини топишириш маросими бўлиб ўтади. Ушбу мукофот 1966 йилда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга улкан ҳисса қўшган инсонларни тақдирлаш учун ташкил этилган.

Эндиликда Ўзбекистон ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича ўз мукофотини таъсис этди. 2020 йилдан эътиборан **ҳар йили 10 декабрь – Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўрак нишони совриндорлари тантанали равишда тақдирлаб борилади.**

Шу тариқа мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида амалга ошириш халқ учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишга йўналтирилган демократик ислохотларнинг асосий мезонига айланди. Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатдаги нормалар миллий қонунчиликда ўз ифодасини топмоқда.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши туфайли ушбу соҳада давлат сиёсати самарали амалга оширилаётганидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлака-

тимизнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшила-нишига хизмат қилмоқда.

Иккинчи устувор йўналиш: гендер сиёсатини қатъий давом эттириш

Мамлакатимизда фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича жадал иш олиб борилмоқда. Юртбошимиз БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясида қайд этганидек, **“Биз учун гендер тенг-лик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди”**.

Ҳақиқатан ҳам, Олий Мажлисга бўлиб ўтган охириги сайловлар натижасида биринчи маротаба Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камида 30 фоиз) тўлиқ бажарилди. Қонунчилик палатасига 32 фоиз, яъни 48 нафар аёл-депутатлар сайлангани, ўз навбатида, **дунёдаги 190 парламент ичида Ўзбекистон парламентининг 37-ўринга кўтарилишини таъминлади**.

Ваҳоланки, 2014 йилда бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз 128-ўринда эди. Яъни, илгари биз учун гендер тенглик масаласи устувор эмасдек туюлган. Оқибатда биз бу борада анча ортда қолиб кетдик. Кейинги даврдаги таҳлиллар асносида хотин-қизларнинг жамиятимизда тутган ўрни ва нуфузи, уларнинг бошқарув идораларидаги иштироки мутлақо қониқарсиз аҳволда экани аён бўлди.

Шунинг учун охириги 4 йилда мамлакатимизда 2 та муҳим қонун – **“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”**ги ва **“Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунлар қабул қилинди. 2020 йилнинг ўзида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳукумат ва жамиятдаги ролини оширишга, уларнинг бандлигини таъминлашга, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ва муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Шу асосда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айтайлик, бир томондан, зўравонликдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича жойларда махсус марказлар ташкил этилиб, аёлларга махсус “Ҳимоя ордери” бериляпти. Иккинчи томондан, бутунги кунда опа-сингилларимиз

давлат бошқаруви идораларида самарали фаолият юритмоқда. **Натижада бошқарув лавозимларида аёлларнинг улуши 26,6 фоизга етказилди.**

Ўтган йилдан бошлаб давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож қизларнинг билим олиш имкониятлари янада кенгайтирилиб, олий таълим муассасаларига 4 фоизли давлат грантлари ажратилди. Мазкур янги тизим асосида 2020 йилда 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар ўқишга қабул қилинди. Барча вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолияти ташкил этилди.

Янада муҳими, Президентимиз парламентга тақдим этган Мурожаатномасида Сенат Раиси раҳбарлигида **Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашини ташкил этиш** вазифасини кун тартибига қўйди. Мазкур Кенгаш мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган яхлит тизим яратишга масъул бўлади. Кенгашнинг асосий вазифаси жамиятда аёллар мавқеини ошириш, уларнинг муаммоларини пухта ўрганиш, хотин-қизларни қийнаётган қўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топиш, уларни “темир дафтар” ва “аёллар дафтари”дан чиқаришга қўмак беришдан иборатдир.

Биргина шу далил ва рақамларнинг ўзи ҳам юртимиз аёлларининг жамиятда ҳақиқий ўрнини эгаллаб бораётганидан далолат бериб турибди. Бинобарин, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш Ўзбекистон Президенти олиб бораётган адолатли сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

Ўзбекистон Президенти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги чиқишида мамлакатимизда гендер сиёсати қатъий давом эттирилишини таъкидлагани бежиз эмас. Бу йил юртимизда **Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқотини ташкил этиш, шунингдек хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш** режалаштирилгани ҳам шундан далолат беради.

Учинчи устувор йўналиш:

алоҳида эҳтиёжга эга шахслар ҳуқуқларини таъминлаш

Мамлакатимизда 2020 йил 15 октябрда **“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.** 2021 йил 17 январдан кучга кирган ушбу Қонун 2008 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг ўрнини босади.

Мазкур Қонунни ишлаб чиқишда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидалари, шунингдек АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Россия, Беларусь, Украина, Озарбайжон каби 10 дан ортиқ хорижий давлатларнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига оид қонунлари ўрганилган.

Бугунги кунда **Олий Мажлис палаталарида БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш билан боғлиқ ишлар изчил олиб борилмоқда.** Айни пайтда эса, Конвенциянинг халқаро стандартлари ва талабларини, шунингдек “ногирон” сўзи ўрнига “ногиронлиги бўлган шахс” атамасидан фойдаланишни назарда тутувчи янги Қонун мамлакатимизнинг юқоридаги тоифага мансуб вакиллари ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашга хизмат қилади.

Янги Қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини белгилайдиган асосий қонун ҳужжати ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 700 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, 100 мингдан ортиқ 16 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар истиқомат қилиши эътиборга олинса, мазкур Қонуннинг долзарблиги ва аҳамияти яққол намоён бўлади.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқача тарзда ёрдам беради, содда қилиб айтганда, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида айтилганидек, Ўзбекистонда ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос «ижтимоий модели»га босқичма-босқич ўтилади.

Муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Бу имкониятдан қарийб 50 минг киши фойдаланиши мумкин бўлади.

Президентимизнинг бу борадаги янги ташаббуси – **имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш** таклифи ҳам шу каби эзгу мақсадларга қаратилган.

Тўртинчи устувор йўналиш: ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Ёшлар масаласи, чиндан ҳам, янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Охирги парламент сайловида Қонунчилик палатасига 30 ёшгача бўлган 9 нафар депутат сайлангани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Бугун парламентимиз қуйи палатаси таркибининг 6 фозини ёшлар ташкил этмоқда, жаҳон миқёсида эса бу кўрсаткич атиги 2 фозидир.

Юртбошимиз БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясида қайд этганидек, **“Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Республикамизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда”**.

Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб яна бир бор барча-барчани БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирди. Конвенция лойиҳаси бутун дунё жамоатчилиги томонидан алоҳида эътироф этиляпти. Жумладан, ўтган йили ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумида бу конвенция лойиҳаси бўйича ижобий фикрлар билдирилди.

Халқаро анжуманда “Ёшлар–2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Ҳужжатда, жумладан, ёшлар ҳуқуқлари – ҳар ким фойдаланиши зарур бўлган, аммо айримлар ёшининг кичиклиги туфайли бундай имкониятдан маҳрум этилган ҳуқуқлар экани қайд этилган. Самарқанд резолюцияси ҳозирги замон давлатларининг ривожланиши билан боғлиқ барча жараёнларда ёшларни янада кенг жалаб этиш зарурлигини ҳар томонлама тасдиқлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон нафақат ушбу конвенция лойиҳасини тайёрлаш ташаббуси билан чиқди, балки ёшлар масаласини бугун давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарди. Мамлакатимизда **Ёшлар ишлари бўйича агентлик ташкил этилди**, фондлар тузилди, навқирон йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича доимий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Юртимизда кейинги даврда тузилган ёшлар ташкилотлари ҳақида сўз борган экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – **Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими** жорий этилганини ҳам қайд этиш ўринлидир. Президентимиз 2020 йил 29 майда имзолаган **“Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари** белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистонда жорий йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинганини маълум қилар экан:

биринчидан, БМТ шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

иккинчидан, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

учинчидан, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Махсус маърузачиси институтини таъсис этиш ташаббусларини илгари сурди.

Агар ҳозирги кунда дунёда инсоният тарихида кузатилмаган даражада кўп – 2 миллиарддан зиёд ёшлар мавжудлиги ҳисобга олинса, Ўзбекистон Президентининг бу ғоялари ниҳоятда долзарб ва фойдали эканини яққол англаш мумкин.

Бешинчи устувор йўналиш: мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш

Сўнгги 15 йил ичида дунёда одам савдоси қурбонлари орасида болаларнинг улуши уч барабарга ошган, аёллар ушбу жиноий ҳаракатнинг асосий нишони бўлиб қолмоқда. **БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда дунё бўйича 40 миллиондан ортиқ одам қулликнинг замонавий шакллариغا дучор этилган бўлиб, уларнинг 71 фоизи аёллар ва қизлар ташкил этади.**

Халқимиз қадр-қиммати, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлашда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари катта аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, Миллий стратегия ижроси доирасида 2020 йил 17 августда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилингани диққатга лойиқдир.

Давлатимиз раҳбарининг “**Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йили**” деб эълон қилган жорий йилда Ўзбекистонда Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонун қабул қилинишига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратгани шуни англатадики, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам беришда қонун асосида кутилган мақбул натижаларга эришамиз.

Олтинчи устувор йўналиш: инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича таълимни ривожлантириш

Президентимиз бу борада, **биринчидан**, Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда глобал форум ўтказиш; **иккинчидан**, ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари

соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшиши тақлифларини билдирди.

Давлат раҳбарининг бу ҳақдаги фикрларини тинглар эканман, Самарқанд веб-форумининг 2020 йил 13 августда бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида ёшлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълим масалалари муҳокама қилинганини эсладим. Ўшанда турли мамлакатлар экспертлари томонидан ёшларга инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бериш борасидаги тажриба таҳлил этилиб, ушбу муҳим йўналишни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим нима учун айнан ёшларга бунчалик муҳим? БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси вакили **Паулина Тандионинг** фикрича, **“Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларни ривожлантириш ва жамият ҳаётига жалб этишнинг калитидир. У навқирон инсонларга ўзининг фаол фуқаро сифатидаги мавқеини англаш, эътироф этиш ва бу билан боғлиқ вазифаларини адо этиш, яъни чоралар кўриш ҳамда ўзига ва бошқаларга тегишли инсон ҳуқуқларига амал қилинишига эришиш, шунингдек давлат ишларида ҳамда қарорлар қабул қилишга оид демократик жараёнларда тегишли тартибда иштирок этиш имкониятини тақдим этади”**.

Европа Кенгашининг Ёшлар ишлари бўйича маслаҳат кенгаши аъзоси **Ника Бахсолианининг** таъкидлашича, **“таълим – адолатсизликка барҳам бериш усули бўлса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим – бу соҳадаги энг мақбул усулдир”**.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси маслаҳатчиси, “ND Consultance” директори **Нордин Дрисининг** эътироф этишича, **“Ўзбекистонда бугунги кунда юз бераётган ижобий сиёсий ўзгаришлар туфайли инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ишончли билимларни эгаллаган янги авлод ҳуқуқшуносларини тарбиялаш учун мустаҳкам платформа яратилиши мумкин”**.

Шу ўринда ўтган йилнинг ноябрь ойидан буён Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида **“Инсон қадр-қиммати – энг олий қадрият”** махсус ўқув модули машғулотлари ўтказиб келинаётгани ҳақида мухтасар тўхталмоқчимиз. Мазкур ўқув модули мамлакатимиз судлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбар ходимлари учун мўлжалланган.

Ўқув курсида барча судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбар ходимлари икки босқичда ўқитилмоқда. Олий

суд, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати раҳбар ходимлари – жами 2 минг 300 дан зиёд тингловчи махсус ўқув модули машғулотларига жалб этилди.

Бундан ташқари, Марказ томонидан турли йўналиш ва босқичлардаги таълим муассасалари учун «Инсон ҳуқуқлари» фаһни бўйича ўқув дастурлари тайёрланган. Ўтган йил октябрь-декабрь ойларида ташкил этилган «Рақамли иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тадқиқотлар» мавзусидаги танловда 12 номинация бўйича қатнашган 80 та иштирокчи орасидан ғолиблар аниқланди ва тақдирланди.

Еттинчи устувор йўналиш: фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш

1991 йилдан 2016 йил декабргача 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2016 йил декабрдан 2020 йилгача бўлган муддатда бундай шахслар 15 минг нафарни ташкил этди. Бундан ташқари, 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистонда яшаб келган 50 минг нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинди.

Давлат раҳбари Юқори даражадаги сегментда сўзлаган нуткида: “бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади”, деб қайд этди.

Бундай муҳим қадамлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақирғига муносиб жавобдир. Президентимиз алоҳида қайд этганидек, **“Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ҳамда биз бу тамоъйилни бундан буён ҳам қатъий амалга оширамиз”.**

Шуни ҳам айтиш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш ва фуқаролиқдан чиқиш механизмлари ислоҳ қилиниб, аризага илова қилиниши лозим ҳужжатлар сони 2 бараварга қисқартирилган.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янги ташаббуслари

Биз инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасида эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмаймиз.

Президентимиз Юқори даражадаги сегмент иштирокчилари эътиборини мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги кодекслар ишлаб чиқилаётганига қаратди. Бу кодекслардан бири – Ўзбекистонда

фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга, иккинчиси эса сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши лозим. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, буни биз **“қатъий мақсад қилганмиз”**.

Ўзбекистон Президенти БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 3 та таклиф билан чиқди.

биринчи таклиф: Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш;

иккинчи таклиф: Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини Ўзбекистон томонидан ратификация қилиш;

учинчи таклиф: мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида БМТнинг Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачисини мамлакатимизга таклиф этиш.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелетнинг юртимизга ташрифини кутиб қолишимизни қайд этди. **“Бу борада мандатга эга бўлган барча вакилларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришлари учун доимий таклифнома юбориш ҳақида қарор қабул қиламиз”**, деди Президентимиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳа-сидаги халқаро мажбуриятларига бундан кейин ҳам содиқ қолади. Шу билан бирга, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **“биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни яхши тушунамиз ва халқаро ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз”**.

“New Uzbekistan and Human Rights” Library

**NEW INITIATIVES
OF UZBEKISTAN IN THE FIELD
OF HUMAN RIGHTS**

Tashkent – 2021

Saidov A.Kh. New initiatives of Uzbekistan in the field of human rights. – Tashkent: National Center of the Republic of Uzbekistan for Human Rights, 2021. – 34 p. (series of brochures “New Uzbekistan and Human Rights”)

On the occasion of the 30th anniversary of the state independence of the Republic of Uzbekistan and 25th anniversary of the National Center of the Republic of Uzbekistan for human rights is published a series of brochures “New Uzbekistan and Human Rights”.

This brochure “New initiatives of Uzbekistan in the field of human rights” also relates to this category, which provides information on the reforms implemented by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev in Uzbekistan in the framework of strengthening the protection of human rights and initiatives put forward in the UN Human Rights Council.

The brochure is intended for specialists of state organizations and civil society institutions, students and readers.

NEW INITIATIVES OF UZBEKISTAN ON HUMAN RIGHTS

Uzbekistan – member of the UN

The UN and the Republic of Uzbekistan have a nearly 30-year history of cooperation. Uzbekistan became a member of the UN on March 2, 1992.

Main priorities of cooperation include fight against modern threats and challenges to security, non-proliferation of weapons of mass destruction, tackling environmental problems, in particular impacts of the Aral sea crisis, the socio-economic development, protection of human rights and freedoms.

The UN system supports Uzbekistan in addressing a wide range of development issues, including health, education and social protection, preservation of cultural values, protection of natural resources and biodiversity, fight against drug trafficking and spread of HIV /AIDS.

Uzbekistan was visited by three United Nations Secretaries-General:

- H.E. Mr. Kofi Annan in 2002,
- H.E. Mr. Ban Ki-moon in 2010 and 2015,
- H.E. Mr. António Guterres in 2017.

The Republic of Uzbekistan stands for strengthening the entire UN system, strengthening the role of UN structures in solving problems of regional and international security and ensuring sustainable development.

Participation of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. M. Mirziyoyev at the 75th anniversary session of the UN General Assembly marked a significant event in the history of Uzbekistan-UN relationships.

All the initiatives put forward by Uzbekistan within the framework of the UN have found full support from the international community and today make a significant practical contribution to ensuring universal peace, maintaining regional stability, continuing sustainable development, and the protection of human rights.

Uzbekistan and United Nations cooperation in the field of human rights

In Uzbekistan, the protection of human rights is considered one of the priorities of cooperation with the UN. Today, the country has a stable political system that meets the modern criteria of democracy and human rights, and the legislative, executive and judicial authorities at all levels are actively working to strengthen respect for human rights and to promote human rights education throughout the country. But the most important thing is that the Uzbek society maintains respect for the principles of the rule of law and human rights.

We in Uzbekistan highly appreciate the efforts of the UN Human Rights Council and the Office of the High Commissioner for Human Rights to strengthen the protection of human rights around the world. For without ensuring human rights, it is impossible to advance socio-economic, political, legal, cultural and humanitarian development of States.

Uzbekistan has developed **national indicators for the implementation of the UN Sustainable Development Goals**. The **Strategy of Action** adopted by the President of Uzbekistan on five priority areas of the country's development in 2017-2021 is a **“Roadmap”** for implementation of the UN Sustainable Development Goals.

Uzbekistan was the first Central Asian State to establish a system of national human rights institutions, which includes a parliamentary Ombudsman, a Children's Ombudsman, a Business Ombudsman and a National Human Rights Centre.

In June 2020, the **National Human Rights Strategy of Uzbekistan** was adopted for the first time and is being consistently implemented. It provides for the implementation of the recommendations of the UN Human Rights Council and the treaty bodies.

The adoption of the National Strategy took into account the views of not only the expert community, but also the general public and international organizations.

Uzbekistan maintains an active and constructive dialogue with the UN Charter and Treaty bodies, specialized agencies and Special procedures of the UN Human Rights Council.

The Government submits timely periodic reports on the

implementation of the main international human rights treaties, as well as on the follow-up to the recommendations of the treaty bodies (41 reports).

In Uzbekistan, more than half of the population is young people. As such, much is being done to ensure seamless integration of every young person into society and realize their potential. In the way of guaranteeing aforementioned missions, **Concept of “Youth of Uzbekistan – 2025”** has been adopted, **Youth Parliament** and the **Agency for Youth Affairs** are functioning.

In August 2020, the **Samarkand Forum on Youth Rights** was held under the auspices of the United Nations with a view to attract global attention to matters related to youth.

In his speeches at the 75th anniversary session of the UN General Assembly, the 46th session of the UN Human Rights Council, as well as in his Address to the Uzbek Parliament, the President of Uzbekistan identified the key priorities of New Uzbekistan on human rights:

- ensuring the right to health;
- gender equality;
- protection of the rights of persons with disabilities;
- protection of the youth rights;
- human rights education;
- strengthening the independence of the courts;
- the fight against torture;
- development of regional cooperation on human rights.

Uzbekistan's new initiatives on Human Rights

The first initiative. Uzbekistan is pursuing a radical policy of increasing the role of women in the political, public and business life of the country. Two new laws on gender equality and the protection of women from violence and harassment have been adopted.

It is planned to hold a **Women Leader's Dialogue** of Central Asian states and a **Regional Women's Business Forum** in Uzbekistan.

The second initiative. Much attention is paid to the protection of the rights of persons with special needs. A new **Law on the Rights of Persons with Disabilities** came into force this year. The Parliament of Uzbekistan plans to **ratify the Convention on the Rights of Persons with Disabilities**. Uzbekistan also proposes to create a **Regional**

Council for the self-realization of People with Disabilities.

The third initiative. Today, intellectually and spiritually developed, proactive young people are becoming a driver of sustainable progress. There are more than 2 billion young people in the world. This year in Uzbekistan is declared the **Year of Supporting Youth and Strengthening Public Health**. Most of the challenges facing humanity – such as threats to peace and security, terrorism and extremism, racism, climate change, and the COVID-19 pandemic must be addressed with active participation of young people.

The initiative to adopt an **International Convention on the Rights of Youth**, put forward by the President of Uzbekistan from the high rostrum of the United Nations General Assembly, has been supported with great interest by the international community.

This year, we plan to hold a **World Conference on Youth Rights** under the UN auspices.

The purpose of the international forum is once again to give the youngest people the opportunity to directly participate in the development and implementation of national, regional and global strategies aimed at meeting their immediate needs, protecting their rights, freedoms and legitimate interests.

The President of Uzbekistan also put forward a proposal to establish the institution of a **UN Special Rapporteur on Youth Rights**.

In the current International Year for the Elimination of Child Labour, a **Law on the Children's Ombudsman** will be adopted.

The fourth initiative. Uzbekistan actively participates in the **United Nations World Programme for Human Rights Education**. The National Action Plan for the implementation of the provisions of the UN Declaration on Human Rights Education and Training is being implemented.

Together with the Office of the High Commissioner for Human Rights, we are planning to hold a **Global Forum on Human Rights Education**.

In order to develop the system of human rights education, Uzbekistan contributes to the UN Voluntary Fund for Human Rights.

The fifth initiative. Uzbekistan pays priority attention to the deepening of reforms in the judicial and legal sphere, as a result of

which concrete measures have been taken to implement international standards in the field of judicial independence and the protection of the right to a fair trial.

Implementation of the recommendations of the **Special Rapporteur on the Independence of Judges and Lawyers** has begun.

In order to ensure the independence of the judiciary and regulate the selection and appointment of judicial personnel, the President of Uzbekistan proposed that the UN Human Rights Council consider the development of universal principles of the judicial councils.

The sixth initiative. The fight against torture is a priority area of judicial and legal reforms in Uzbekistan. Work has begun on the implementation of a national preventive mechanism for the elimination of torture. The closure of the specialized penal colony located in the village of Zhaslyk was an important humanitarian event. As a result of the measures taken, the number of convicts held in places of deprivation of liberty has decreased by almost three times.

Over the past short period, we have made significant progress in our interaction with the special procedures. Visits of two Special Rapporteurs were carried out.

We intend to ratify the **Optional Protocol to the Convention against Torture**.

Uzbekistan invites the **UN High Commissioner for Human Rights and the UN Special Rapporteur on Torture** to pay a visit.

Moreover, we have decided to send a **standing invitation to all mandate holders** to visit our country. Of course, cooperation with distinguished mandate holders will help to make headway in the effective implementation of reforms in Uzbekistan.

The seventh initiative. Uzbekistan also intends to continue to promote the establishment of a **regional human rights mechanism in the Asian region**. In this regard, a permanent platform has been created – the **Samarkand Forum on Human Rights**.

There is no universal model of development in the world that is equally suitable for all States in the same historical period. The sad experience of a number of countries clearly shows that attempts to impose “unified standards” of democratic development, without taking into account specific historical, social and other aspects, as well

as national and religious traditions, are counterproductive.

Uzbekistan fully endorses the role of the UN in international peacekeeping, maintaining security, promoting sustainable development, and guaranteeing human rights.

As an active member of the Human Rights Council, Uzbekistan wishes to express explicitly its continuous readiness for broad and mutually beneficial cooperation with all countries of the world and practical dialogue with the UN.

Библиотека “Новый Узбекистан и права человека”

**НОВЫЕ ИНИЦИАТИВЫ
УЗБЕКИСТАНА В ОБЛАСТИ
ПРАВ ЧЕЛОВЕКА**

Ташкент – 2021

Саидов А.Х. Новые инициативы Узбекистана в области прав человека. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2021. – 34 с. (Серия брошюр «Новый Узбекистан и права человека»)

По случаю 30-летия государственной независимости Республики Узбекистан и 25-летия Национального центра Республики Узбекистан по правам человека подготовлена к изданию серия брошюр «Новый Узбекистан и права человека».

В брошюре «Новые инициативы Узбекистана в области прав человека» представлена информация о реформах, осуществляемых Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым в Узбекистане в деле укрепления защиты прав человека и инициатив, выдвинутых в Совете по правам человека ООН.

Брошюра предназначена для специалистов по вопросам защиты прав человека государственных организаций и институтов гражданского общества, а также всех тех, кто интересуется данной проблемой.

НОВЫЕ ИНИЦИАТИВЫ УЗБЕКИСТАНА В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

Узбекистан – полноправный член ООН

ООН и Республика Узбекистан имеют почти 30-летнюю историю сотрудничества. Узбекистан стал полноправным членом ООН 2 марта 1992 года.

Основные приоритеты взаимодействия – борьба с современными угрозами и вызовами безопасности, нераспространение оружия массового поражения, решение экологических проблем, в частности смягчение последствий кризиса Аральского моря, социально-экономическое развитие, защита прав и свобод человека.

Система ООН оказывает поддержку Узбекистану в решении широкого круга вопросов развития в различных областях, включая здравоохранение, образование и социальную защиту, сохранение культурных ценностей, охрану природных ресурсов и биоразнообразия, борьбу с незаконным оборотом наркотиков и распространением ВИЧ/СПИДа.

Узбекистан посетили три Генеральных секретаря ООН:

2002 г. – Кофи Аннан,

2010 г. и 2015 г. – Пан Ги Мун,

2017 г. – Антониу Гуттериш.

Республика Узбекистан выступает за укрепление всей системы ООН, усиление роли ее структур в решении проблем региональной и международной безопасности и обеспечения устойчивого развития.

Значимым событием стало участие Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева на юбилейной 75-сессии Генеральной ассамблеи ООН.

Все инициативы, выдвинутые Узбекистаном в рамках ООН, получили полную поддержку мирового сообщества и сегодня вносят весомый практический вклад в обеспечение всеобщего мира, стабильности и устойчивого развития и защиту прав человека.

Грани сотрудничества в области прав человека

В Узбекистане защита прав человека рассматривается, как один из приоритетов взаимодействия с ООН. Сегодня в стране создана устойчивая политическая система, отвечающая современным критериям демократии и прав человека, активно работают органы законодательной, исполнительной и судебной власти всех уровней. Но самое главное, что в обществе утверждается уважение к принципам верховенства закона и правам человека.

В Узбекистане высоко ценятся усилия Совета ООН по правам человека и Управления Верховного комиссара ООН по правам человека по укреплению защиты прав человека во всем мире. Ибо без обеспечения прав человека невозможно решение проблем социально-экономического, политико-правового и культурно-гуманитарного развития государств.

Узбекистан выработал **национальные индикаторы по реализации Целей устойчивого развития ООН**. Принятая Президентом Узбекистана Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017–2021 годах является «дорожной картой» по выполнению Целей устойчивого развития ООН.

Узбекистан первым из государств Центральной Азии создал систему национальных институтов по правам человека, которая включает: парламентский Омбудсман, Детский Омбудсман, Бизнес Омбудсман и Национальный центр по правам человека.

В июне 2020 года впервые принята и последовательно реализуется **Национальная стратегия Узбекистана по правам человека**. Она предусматривает реализацию рекомендаций Совета ООН по правам человека и договорных комитетов.

При принятии Национальной стратегии учитывались мнения не только экспертных кругов, но и широкой общественности и международных организаций.

Узбекистан поддерживает активный и конструктивный диалог с уставными и договорными органами, специализированными учреждениями ООН и специальными процедурами Совета ООН по правам человека.

Правительство своевременно представляет периодические доклады о реализации основных международных договоров по правам человека, а также о последующих мерах по выполнению рекомендаций договорных органов (41 доклад).

В Узбекистане, где молодежь составляет более половины на-

селения, многое делается для того, чтобы каждый молодой человек смог занять достойное место в обществе и реализовать свой потенциал. Принята **Концепция «Молодежь Узбекистана – 2025»**, действуют Молодежные парламенты и Агентство по делам молодежи.

В августе 2020 года под эгидой Организации Объединенных Наций проведен **Самаркандский форум**, посвященный правам молодежи.

В своих выступлениях на юбилейной 75-сессии Генеральной Ассамблеи ООН, Сегменте высокого уровня 46-ой сессии Совета ООН по правам человека, а также в Послании парламенту страны Президент Узбекистана определил ключевые приоритеты **Нового Узбекистана** в области прав человека:

- обеспечение права на здоровье;
- гендерное равенство;
- защита прав лиц с инвалидностью;
- защита прав молодежи;
- образование в области прав человека;
- укрепление независимости судов;
- борьба с пытками;
- развитие регионального сотрудничества в сфере прав человека.

Инициативы Узбекистана по правам человека

Первая инициатива. Узбекистан проводить кардинальную политику повышения роли женщин в политической, общественной и деловой жизни страны. Приняты два новых закона: о гендерном равенстве и защите женщин от насилия и притеснений.

Планируется проведение в Узбекистане **Диалога женщин-лидеров стран Центральной Азии и региональный женский бизнес-форум**.

Вторая инициатива. Большое внимание уделяется защите прав лиц с особыми потребностями. В этом году вступил в силу новый Закон о правах лиц с инвалидностью. Парламент Узбекистана ратифицировал Конвенцию о правах инвалидов. Узбекистан предлагает также создать **Региональный совет по вопросам самореализации людей с ограниченными возможностями**.

Третья инициатива. Сегодня интеллектуально и духовно развитая, инициативная молодежь становится драйвером устой-

чивого прогресса. В мире около 2 млрд. молодых людей. Нынешний год в Узбекистане объявлен **Годом поддержки молодежи и здоровья населения**. Решение большинства проблем, с которыми сталкивается человечество – таких как угрозы миру и безопасности, терроризм и экстремизм, расизм, изменение климата, а также пандемия COVID-19, не должно происходить без активного участия молодых людей.

Инициатива о принятии **Международной конвенции о правах молодежи**, выдвинутая Президентом Узбекистана с высокой трибуны Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций, поддерживается мировым сообществом.

В этом году планируется проведение под эгидой ООН **Всемирной молодежной конференции по правам молодежи**.

Цель этого международного форума – дать молодым людям возможность самим участвовать в разработке и реализации национальных, региональных и глобальных стратегий, нацеленных на обеспечение их насущных потребностей, защиту прав, свобод и законных интересов.

Президент Узбекистана также выдвинул предложение об учреждении поста **Специального докладчика по правам молодежи**.

В нынешний Международный год ликвидации детского труда будет принят Закон о Детском омбудсмане.

Четвертая инициатива. Узбекистан активно участвует во **Всемирной программе Организации Объединенных Наций в сфере обучения правам человека**. Реализуются Национальная программа действий по реализации положений Декларации ООН об образовании и подготовке в области прав человека.

Совместно с Управлением Верховного комиссара по правам человека планируется проведение **Глобального форума «Образование в области прав человека»**.

В целях развития системы обучения правам человека Узбекистан вносит свой вклад в **Фонд добровольных взносов ООН в области прав человека**.

Пятая инициатива. Узбекистан уделяет приоритетное внимание углублению реформ в судебной-правовой сфере, в результате которых были приняты конкретные меры по имплементации международных стандартов в сфере независимости судов и защиты права на справедливое судопроизводство.

Начата реализация рекомендаций **Специального докладчика ООН по вопросу о независимости судей и адвокатов**.

В целях обеспечения независимости судебных органов, урегулирования вопросов отбора и назначения судебных кадров, Президент Узбекистана предложил Совету ООН по правам человека рассмотреть вопрос разработки **международных принципов, посвященных статусу и деятельности судебных советов.**

Шестая инициатива. Борьба с пытками – приоритетное направление судебно-правовых реформ в Узбекистане. Начата работа по внедрению национального превентивного механизма предупреждения пыток. Закрытие специализированной колонии по исполнению наказаний, расположенной в поселке Жаслык, стало важным гуманным событием. В результате принимаемых мер число осужденных, содержащихся в местах лишения свободы, уменьшилось почти в 3 раза.

За последний короткий период нам удалось достичь значительного прогресса во взаимодействии со специальными процедурами. Осуществлены визиты 2 спецдокладчиков.

Намерены ратифицировать **Факультативный протокол к Конвенции против пыток.**

Узбекистан приглашает посетить нашу страну Верховного комиссара ООН по правам человека и Специального докладчика ООН по вопросу о пытках.

Более того, принято решение о направлении постоянного приглашения всем мандатариям посетить Узбекистан. Безусловно, совместная работа с ними станет хорошей предпосылкой для эффективной реализации реформ в Узбекистане.

Седьмая инициатива. Узбекистан также намерен содействовать созданию регионального механизма по правам человека в Азиатском регионе. В этой связи создана постоянно действующая площадка – **Самаркандский форум по правам человека.**

В мире не существует универсальной модели развития, одинаково подходящей на одном и том же историческом отрезке для всех государств. Печальный опыт ряда стран наглядно показывает, что попытки навязывания «унифицированных стандартов» демократического развития без учета конкретных исторических, социальных и других аспектов, а также национальных и религиозных традиций, контрпродуктивны.

Мы поддерживаем ведущую роль Организации Объединенных Наций в сохранении и продвижении международного мира, сотрудничества и безопасности, а также содействию устойчивому развитию, обеспечении прав человека.

Узбекистан всегда готов к широкому и взаимовыгодному сотрудничеству со всеми странами мира и практическому диалогу с Организацией Объединенных Наций, в том числе в качестве активного члена Совета по правам человека.

Мундарижа

Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват: Ўзбекистон БМТнинг ушбу ташаббуси доирасида халқаро ҳамкорликни изчил давом эттиради	4
Биринчи устувор йўналиш: “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойилига амал қилиш	5
Иккинчи устувор йўналиш: гендер сиёсатини катъий давом эттириш	7
Учинчи устувор йўналиш: алоҳида эҳтиёжга эга шахслар ҳуқуқларини таъминлаш	8
Тўртинчи устувор йўналиш: ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	9
Бешинчи устувор йўналиш: мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш	11
Олтинчи устувор йўналиш: инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича таълимни ривожлантириш	11
Еттинчи устувор йўналиш: фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш	13
Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янги ташаббуслари	13

Contents

Uzbekistan – member of the UN	17
Uzbekistan and United Nations cooperation in the field of human rights	18
Uzbekistan's new initiatives on Human Rights	19

Содержание

Узбекистан – полноправный член ООН	25
Грани сотрудничества в области прав человека	26
Инициативы Узбекистана по правам человека	27

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ” ТУРКУМИДА ҚУЙИДАГИ РИСОЛАЛАР ЧОП ЭТИЛДИ:

1. “Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги янги ташаббуслари”;
2. “Гендер тенглик”;
3. “Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати”;
4. “Янги Ўзбекистон ва сайлов қонунчилиги”;
5. “Ногиронлар ҳуқуқлари: Конвенциянинг ратификацияси”.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИ



NEW INITIATIVES OF UZBEKISTAN IN THE FIELD OF HUMAN RIGHTS



НОВЫЕ ИНИЦИАТИВЫ УЗБЕКИСТАНА В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

Нашр учун масъул
Муҳаррирлар

Техник муҳаррир
Компьютерда саҳифаловчи

М. Тиллабоев
Ғ. Мирзаев, Р. Арслонова,
Л. Рузикулова
Н. Сафарова
А. Жуманиязов

Босишга 2021 йил 11 июнда рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$.

«PT Serif» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табағи 1,64. Нашр табағи 1,2.

Адади 100 нусха. Буюртма № 49.

Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида чоп этилди.

100029, Тошкент, Ислон Каримов кўчаси, 15.